

Хижрий 844 йили Рамазон ойи ўн еттисида тугилган Низомиддин Мир Алишер Навоий Ислом неъматидан бекиёс даражада бахра олгани туфайли ҳам бутун ижоди имон нури билан шуълаланиб туради.

Одабийликнинг энг улуг гояларини гўзал шаклда калбга мухрлайди. Хазрат Алишер Навоийнинг динимизг ихлос ва мухаббати хаётда ҳам катта микёсда кўп савобли ишларнинг амалга ошишига сабабчи бўлган. У Хуросонда Ислом равнаки учун ибодат ахлига имкон қадар яхши шароит яратишга алохида эътибор берар эди. Улуг шоирнинг замондоши, шогирди, машхур тарихчи олим Хондамирнинг "Макоримул ахлок" тарихий асарида бу ҳақда кимматли маълумотлар бор.

...Бу обидлар ва бандалар панохининг жума ва бошка намозларни жамоат билан ўташда гайрати шу даражага етган эдики, Маргани богида гоят зийнатли бир масжид бино қилиб, ўз замонининг атокли қориларидан Хожа Хофиз Муҳаммад Султоншоҳни имом белгилади ва ўзи у ерда беш вақт намозга хозир бўларди. Шунингдек, эшикдаги мулозимларни намоз адосига тарғиб қилиш, бирор кишидан ноўрин иш содир бўлса, жазолаш учун бир мухтасиб (тергаб турувчи) белгилаган эди. Шунингдек, Маргани боги қаршисида бир маҳобатли масжид қурган, хакикатан, бу бинонинг дилқушо фазоси қурувчи қалбнинг поқлигидан дарак беради...

Бу хайрли бинолар қурувчи (хазрат Алишер Навоий)нинг қайта қурган масжидларидан бири Хирот жомеъ масжидидирки, (у) хакикатан, илохий фазилларнинг тўпланган жойи ва узлуксиз қудуратларни кетказувчидир.

Султон Соҳибқирон салтанати даврида, "Максура суффаси"нинг айвони каттик зарарланди, гумбазнинг шипи хароб холга келди. Юксак деворлари намозхонлар белидек буқилди, пиллапоя устунлари сажда қилувчилар қаби юзини ерга қўйди. Ок ганчлар баланд шиплардан қўчиб тушди, қора тупроқлар сахн юзасига тўпланди.

Мана бу хол у илхоми илохийнинг равшан қўнглида жой олиб, у бинони қайта қуришга бел боғлади. Подшоҳи Исломдан (Хусайн Бойқаро) ижозат олиб, 903 йили шаъбон (1498 йил, март-апрел) ойида гумбазни ва "Максура" тоқини очишга амр қилди. Шундан кейин ўткир меъморлар ва синчков муҳандисларнинг маслаҳати билан, илгарисидан мустаҳкамрок қилиб қуришга буюрди. "Максура суффаси"нинг икки томонида иккита юксак айвон вужудга келтирилиб, бунинг туфайли катта тоқ суянчикка эга бўлди ва мустаҳкамланди ва у Қурувчи бинонинг тез битишига каттик аҳамият берганидан, хар қуни иш бошига ташриф қилар, қўпинча этакни бар уриб, мардикорлар қатори ишлар эди. Хар неча кунда меъморлар, усталар, балки барча хунармандларга кимматбаҳо тўнлар қийғизар ва беҳад инъом ва эҳсонлар билан уларни шодлантирар эди.

Шундай килиб, Худонинг мархамати ва подшоҳнинг узлукиз кузатиши билан уч-тўрт йилда батадиган иш олти-етти ойда тугади. "Максура" айвонининг баландлиги, Амирнинг (Алишер Навоий) химматига мувофик, илгаригидан олти-етти заръ (Газга якин узунлик ўлчови (1 газ – 0,71м.га тенг)) ортди. Ишнинг асли охирига етиб, бинонинг асоси мустахкамлангач, устки томондан безаш ва кўркамлаш фикри кўзгалди. Килинган ишорат юзасидан билимдон муҳандислар, ишчан кошитарошлар, хунарманд наққош ва сангтарош усталар безаш ишига жиддий киришдилар. Тахминларга кўра беш йилда бажариладиган ишни бир йилда тамомладилар. Ток ва равоқларнинг ҳар томони мусулмон ва хитой услубида зийнатланди ва ҳалланди. Сафобахш суффаларнинг сахнлари ажойиб санъат ва гаройиб ихтиролар билан бошқа бинолардан мумтоз ва мустасно бўлди. Баланд гумбазларнинг шиплари яхшиларнинг номаи аъмолидек оклик ва равшанлик қозонди. Айвонлар деворининг пастки айланаси кизил тошлар билан беркитилиб мустахкамланди...

Илгариги минбар ёнгоқ ёгочидан ишланган ва синиб кетган эди. Софдил Амирнинг кўнгли мрамор минбар ясашни такозо қилди. Улуг даргоҳ мулозимлари кидира-кидира Хон вилоятидан мрамартош топдилар. Эгасига батамом нарҳини тўлаб, бу жойга келтирдилар. Устод Шамсиддин сангтарош бу тошдан минбар ясашга киришди. Олий насабли Амирнинг химматлари соясида шундай бир минбар қурилдики, оламини безовчи қуёш, хатиб каби ҳар тонг кўк осмон минбарига чикканида, бу минбарнинг тенги ва ўхшашини кўрмайди.

Хулоса: бу жаннатмисол масжидни безаш ва пардозлаш ишлари тамом бўлганидан кейин, 905 йил шаъбон ойининг (905 йил шаъбон милодий 1500 йили март ойига тўғри келади) ўн тўртинчиси, чоршанба куни, тадбир эгаси Амир ош тортиш маросими ўтказиб, хатиб, имом, воизлар, қорилар, мутавалли, ходимлар, усталар ва иморат ишчилари бу маросимга чакирилиб, зиёфат маросимлари амалга оширилди. Қарийб юз кишидан иборат гуруҳнинг қобилиятли қоматлари қимматбаҳо пўстинлар, аъло чакмонлар ва бошқа хил қийим-кечаклар билан безатилди.

Шундан кейин бу табарруқ мақомнинг томи юзасини мустахкамлаш ва чидамлилигини ошириш тўғрисида ишора қилди. Иморат ишчилари усқуна тайёрлашга ва усталар уларни ишга солишга киришиб, бир оз вақтда тахминан ўн тўрт жариб микдордаги бино томларини икки қават қилиб ёпиб, устини сомонли лой билан сувадилар. Қўнғилни бу ишлардан бамамом фориғ қилдилар. Шу пайтда хидоятли Амир яна бир тўй қерак-яроғини ҳозирлаш тўғрисида қайта фармон берди. Фармон бажарувчилар бу ишга машғул бўлиб, бу чакирикка эллик бош қўй ва тўққиз бош от сарфладилар. Бошқа нарсаларни шунга қиёс қилиш мумкин...

## Навоий курдирган масжидлар

Муаллиф:

03.09.2013 16:57 -

---

906 йил душанба куни жумодил-аввалнинг бошида машойих, сайидлар, козилар, олим ва фозиллар, амир ва вазирлар, пойтахт Хиротнинг ашроф ва аъёнлари, баъзиси хидоятли Амирнинг айтиши ва баъзиси ўз хоши билан ўша файз-баракали ибодатхонага тўпланишиб, гоят улкан бир йигин барпо бўлди. Мўл-кўл ош-сув тортилганидан кейин, яна бир бор баланд даражали, дарёдай кенг Амир иморат ишчилари, усталар ва мардикорларга тўнлар кийгизди ва хурматлаш ҳамда узр баён килиш маросимларини амалга оширди.

Бу Амирнинг химмат кўли билан қурилган ҳар бир масжид тўғрисида алоҳида тафсилот берилса, бу қисқа рисола узайиб кетади. Шунинг учун бошқа масжидларни фақатгина санаб ўтамыз:

Сари пули Инжил масжиди;  
Тали Кутбон масжиди;  
Сари кўчаи Улуг ота масжиди;  
Сари кўчаи Амир Ислом масжиди;  
Чахорсуки Мирзо Алоуддавла масжиди ("Кўшки жахоннамой" томонида);  
Каландарлар маҳалласи масжиди ("Боги Зогон" ичида);  
Тархониён маҳалласи масжиди;  
Мир Одил маҳалласи масжиди;  
Пули корд жомеъ масжиди;  
Ийдгоҳ кишлогидаги жомеъ масжиди;  
Бахра кишлоги масжиди;  
Исфизор жомеъ масжиди;  
Гурдаги масжид;  
Кушнаж кишлоги жомеъ масжиди;  
Сарахс масжиди; Кароти Таршиз масжиди;  
Астробод жомеъ масжиди.

Булардан ташқари, бино қилинган барча мадраса, хонақоҳ ва работларда ҳам масжидлар қурилган...

"Макоримул-ахлоқ" китобидан олинди